Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 26 июль, шанба • № 59 (10.937) • Эркин нархда сотилади

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Чўлпонота, 24 июль. *(ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади).* **Бугун мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрига келди.**

Шаҳар аэропортида Ислом Каримовни Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Миллий либосдаги қизлар Ўзбекистон Президентига анвойи гуллар тутди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Шундан сўнг давлат раҳбарлари учун ҳозирланган махсус машиналар Иссиққўл бўйидаги Чўлпонота қароргоҳи томон йўл олди. Бу ерда уч давлат раҳбарининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари ҳамда Афғонистон ва Тожикистонда кечаётган воқеалар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, мулоқот чоғида ягона иқтисодий макон доирасида ҳозирга қадар имзоланган ҳужжатлар ва қабул қилинган қарорларнинг амалга ошиш жараёни, Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастур, уч мамлакат парламентлари, Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки («Центразбанк») ҳамда БМТнинг заҳирадаги кучлари ҳисобланган Марказий Осиё тинчлик батальони («Центразбат») фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда янги таъсис этилган «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» журнали Бош муҳаррири масаласи кўриб чиқилди. Ўзбекистонлик таниқли журналист Одилбек Қайипбергенов мазкур журналнинг Бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

Учрашув якунида уч томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ўртасида БМТнинг заҳирадаги кучлари ҳисобланган «Центразбат» аскарлари мақоми, Давлатлараро Кенгаш ва унинг муассасалари тўғрисидаги битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, Бишкекда Афғонистон бўйича халқаро тинчлик конференциясини ўтказиш тўғрисида, уч мамлакат парламентлари аъзолари кенгаши тўғрисида ва «Центразбанк» фаолияти тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди.

Учрашув ниҳоясида Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказдилар. Унда йиғилиш кун тартибидан жой олган барча масалалар бўйича ўзаро келишувга эришилгани қайд этилди.

Чўлпонота сафарида мамлакатимиз раҳбарига Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ташқи ишлар вазири А. Комилов, Мудофаа вазири Р. Аҳмедов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилмоқда.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Асад ойи деҳқон кўнглини тўлдириб, экинини яшнатяпти. Шоналар гулга, гуллар кўсакларга айланмоқда. Бу ойда ғўзага ҳашарот тушиши хавфи ҳам пайдо бўлаётир.

Шу сабабли олиму мутахассислар вилоят пахтакорларига ёрдамга келмоқдалар.

СУРАТДА: Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Ҳидирали Алланазаров, вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш марказининг раҳбари Маъсуда Аннаева, Бекобод тумани биофабрика бош ҳосилоти Икромжон Эгамназаров ғўзаларни кўздан кечирмоқдалар.

Даврон Аҳмад олган сурат.

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ ИШЛИ БЎЛМОҚДА

ЁШЛАРНИНГ «Камолот» жамғармаси Пскент тумани бўлими қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш йўлида қатор ибратли тадбирларни кўрмоқда.

Жумладан, туман марказида кичик тегирмон ва ғишт ишлаб чиқарадиган мўъжазгина корхоналар иш бошлади. Бунга «Камолот» жамғармаси туман бўлими ўз ҳиссасини қўшди. 82 минг сўмлик янги асбоб-ускуналар сотиб олиниб, қисқа муддатларда ўрнатилди. Яхши орзу билан унга «Ният» деб ном қўйишди. Тегирмондан чиққан унлар аҳоли дастурхонини тўлдирмоқда.

Тумандаги «Уста-шогирд» хусусий корхонаси билан ҳам шартнома имзоланди. Корхона усталари 15 нафар ёшга ҳунар ўргатиб, касбли қилиш мажбуриятини олди. Шунингдек, иқтисодчи ва ҳисобчиларга бўлган талаб ортиб бораётганлигини назарга олган ҳолда туман марказидаги билим юрти қошида янги ўқув йилидан бошлаб ҳисобчилик бўлимини очишга қарор қилинди.

Жўра МАҲМУДОВ.

ЧОЙ ЎСТИРИЛМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти далаларида тажриба тариқасида чой ўстирилмоқда.

Маҳаллий иқлим шароитига мослаб ўстирилаётган чойнинг сифати ва хушбўйлигини сақлаб қолиш учун илмий изланишлар олиб бориляпти. Олийгоҳда ҳозирги кунда дунёнинг беш қитъасидан келтирилган 55 минг хил ўсимлик тури тажрибадан ўтмоқда.

ҚИБРАЙ «БОҒИШАМОЛ»И

ЯҚИНДА Геофизиклар қўрғонида кўкаламзор ва боғдорчилик билан шуғулланувчи янги давлат хўжалиги ташкил этилди.

Туроп Нормуҳамедов, Ризамат ота Мусамуҳамедов, Ибн Сино номли хўжаликлар ерлари негизида барпо этилган бу янги масканда дунё андозаларига мос гўзал боғ барпо этишга киришилди. Унга буюк бобокалонимиз Амир Темур яратган «Боғишамол»ни эслатиб турсин деган умидда ана шундай деб ном берилди.

Янги хўжаликда Баҳодир Солиев бошчилигида бунёдкорлик ишлари тобора авж олдирилмоқда.

Акбар УМИРОВ.

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг

ҚАРОРИ

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 1997 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 июль.

* * *

Олий Мажлис тўққизинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши мўлжалланмоқда:

1. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур лойиҳаси тўғрисида.
2. Таълим тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
3. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш Миллий дастури лойиҳаси тўғрисида.
4. Миллий хавфсизлик концепцияси лойиҳаси тўғрисида.
5. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
6. Бож тарифи тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
7. Давлат божхона хизмати тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
8. Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
10. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
11. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
12. Ўзбекистон Республикасининг қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
13. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

ВИЛОЯТ ҲОЗИРЛАНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН улуғ байрамга тайёргарлик кўрмоқда. Айни кунларда республикамизнинг барча вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқларида мустақиллигимизнинг олти йиллигини нишонлаш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент вилоятида ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллигини ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг кўлами кенг. Вилоят ҳокимининг республика мустақиллигининг олти йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида қабул қилган махсус қарорида ана шулар ўз ифодасини топган.

Республика мустақиллигининг олти йиллигини барча туман ва шаҳарларда, қишлоқ, маҳалла, корхона, ташкилот ва ўқув юртларида кенг нишонлаш, энг муҳими, бу улуғ байрамдан ҳеч кимнинг четда қолмаслигини таъминлаш, шаҳар ва туманларда мустақиллик байрами арафасида кенг кўламли хайрия тадбирларини ўтказиш, ижтимоий кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва етим-есирларга моддий ёрдам кўрсатиш, байрам ўтказиладиган майдонлар, шаҳар ва туман марказлари, хиёбонларни, ўқув юртларини безатиш, пухта тайёрлаш, жойларда саноат, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаларини уюштириш, турли кўргазмалар ташкил этиш, «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танлови ғолиблари, етук бадиий жамоалар иштирокида концертлар, оммавий ва миллий спорт мусобақаларини ўтказиш сингари тадбирлар ана шуларнинг бир бўлагидир.

Вилоят ҳокимлигида

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақиллигимизнинг олти йиллиги муносабати билан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқларида кўплаб янги-янги турар-жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари, мактаблар, боғчалар, шифохоналар, гузарлар, савдо, маиший хизмат ўчоқлари фойдаланишга топширилмоқда. Биргина Паркент туманида 1 сентябрга 4 та гузар, 2 та мактаб, кўплаб савдо дўконлари, туман марказида эса маданий, маиший, савдо хизмати кўрсатувчи мажмуа иш бошлайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Байрамга тайёргарлик кўриш халқимизнинг азалий анъанаси. Вилоятда август ойининг байрамга ҳозирлик кўриш, ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб эълон қилиниши, умумхалқ ҳашарлари уюштирилишини ҳам жойларда қўллаб-қувватлаб кутиб олишди. Айни кунлардаёқ шаҳар, туман марказларида, қишлоқларда кенг кўламда ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. 16 август куни ўтказиладиган умумхалқ ҳашаридан тушган маблағнинг асосий қисми жойларда байрамни юқори ғоявий-бадиий савияда ўтказишга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларига сарфланади.

Вилоят ҳокимининг қарорида байрамни ўтказиш билан боғлиқ тайёргарлик ишларини бажариш юзасидан ҳокимликнинг тегишли бўлим ва бошқармаларига, шаҳар, туман ҳокимликларига аниқ вазифалар юклатилди.

"SHARQ TARONALARI" XALQARO MUSIQA FESTIVALI
INTERNATIONAL MUSIC FESTIVAL "SHARQ TARONALARI"
SAMARQAND
1997

САНЪАТ БАЙРАМИГА ТАРАДДУД

Маълумки, шу йил 25 августдан 2 сентябрга қадар Самарқандда «Шарқ тароналари» деб аталадиган халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Унинг чинакам санъат байрамига айланиши кутилмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигида бўлиб ўтган матбуот конференцияси ҳам мазкур халқаро мусиқа фестивалига бағишланди.

Ушбу анжуман ўлкамиз Шарқ маданиятининг қадимий ўчоқларидан бири эканлигини, ҳозирда эса унинг улкан, замонавий марказига айланиб бораётганини кўрсатиб бериши лозим. Халқаро анжуманга тайёргарликнинг бориши, ташкилий масалалар қай йўсинда ҳал қилинаётгани, ҳомийлик улушлари бўйича амалга оширилган ишлар, дирекция олдида турган вазифалар тўғрисида ахборотлар берилди.

Самарқандда барпо этилаётган саҳна ва амфитеатр қурилиши ниҳоясига етказилди. Энди бу ерда фестивал бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида анжуманнинг тантанали очилиши чоғида намойиш этиладиган «Буюк Ипак йўли» деб аталувчи бадиий дастурга тайёргарлик ва саҳнани безаш ишлари бошлаб юборилади. Хусусан, шу кунгача мусиқа фестивалига таклиф этилган давлатлардан 25 тасининг бадиий жамоалари ва ижрочилари қатнашишлари аниқ эканлигини билдиришди. Айни пайтда яна саккиз мамлакат вакилларининг келиш-кетишлари билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳал этиляпти.

Шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан фестивал чоғидаги рейслар белгиланиб, чипталар ажратиб қўйилди.

Фестивал доирасида «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзуида халқаро илмий-ижодий конференция ўтказилиши назарда тутилган. Шу кунларда республика Бадиий академиясида унга қизғин ҳозирлик кўриляпти. Жумладан, санъатшунослик олийгоҳининг бир гуруҳ олимлари конференция ишида қатнашишга жалб этилди. Шарқ мамлакатлари ҳамда АҚШ, Франция, Олмония сингари давлатлардан ташриф буюрадиган 50 нафарга яқин Шарқ халқлари мусиқашунос олимлари иштирок этадиган мазкур йиғинда бизнинг 9 нафар вакилимиз ҳам маърузалар билан қатнашадилар.

Матбуот конференциясида республика Маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Бадиий академия президенти Т. Қўзиев, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ижрочи директори С. Аҳроров ва халқаро фестивал матбуот хизмати бошлиғи А. Усмоновлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА.

АМАЛИЙ ИШЛАР ФАСЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги олдидан

Мамлакатимиз мустақил бўлганлигига олти йил тўлмоқда. Ўтган вақт мобайнида жуда кўп эзгу ишлар амалга оширилди. Буни халқимиз кўриб, дилдан ҳис этиб турибди. Айниқса, бу йил жуда бошқача йил саналади. Чунки, бу йилни Президентимиз «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилди. Шу йил бошида эса Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ана шу кундан бошлаб жойларда ишга жадал киришилди.

Тошкент тумани энг обод, мафтункор туманлардан бири. Бу ернинг одамлари ўта меҳнаткаш, меҳмондўст, интилувчан, сабр-бардошли. Ери унумдор. Минглаб гектар ерларда узумзор, боғлар, иссиқхоналар, буғдойзору полизлари бор. Пойтахтимизнинг шундоқ ёнида. Бугун ана шу туман, унинг қалби пок инсонлари ҳақида, инсон манфаатлари йили қандай кечаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.

Дастлаб донғи республикамизга кетган «Сабзавот-полиз ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти» фаолиятига тўхталмоқчимиз. Улар республикамизга келтирилган уруғликларни аввал синаб, сўнг йўлланма беришади. Аммо, ўтган йили уларнинг изчил тадқиқотларидан сўнг Бельгия картошкаси республикамизда экилди.

Институт ғаллакорлари зиммаларидаги 130 тонна ўрнига 172,5 тонна дон топшириб, ҳар гектар майдондан ўртача 44,7 центнердан ҳосил кўтаришган. Шу муносабат билан гектаридан 51 центнер ғалла етиштирган бригада аъзолари сардори Абдурасул Набиев ғунажин, 30 дан ортиқ киши 10 минг сўмгача пул мукофотлари олишга муяссар бўлишди. Олийгоҳ тажриба майдонларида меҳнат қилаётган кишилар хурсанд. Ахир, қувонмай бўладими, ўра буғдойга, қўра қўйга тўлаверса...

Айни кунларда бу ерда «Ўзбекистон», «ТМК», «Баҳодир» навли очиқ жойларга экиладиган, ойнабанд иссиқхоналар учун «АВ Мария», «Турон», «Субҳидам» помидорлари яратилди. «Шарқ тонги», «Зумрад» номли ширин қалампирлар ҳам синовдан ўтди. «Олтин водий», «Олтин тепа», «Тўёна», «Суюнчи», «Ширали» қовун турлари ва эртапишар «Гулистон», «Ўринбой» тарвузларини деҳқонларга тавсия қилинмоқда.

Голландиядан келтирилган 43 хил картошкадан «Диаман», «Преско», «Романо», «Кардинал» навлари жуда яхши синовдан ўтди. Шунингдек, «Тўйимли», «Ақраб» номли янги ўзбек картошка навлари яратилди. Хуллас, барча ҳаракатлар деҳқон қилаётган меҳнатидан барака топишига, ерига ишонч билан сабзавот, полиз, картошка экинларини қадайверишига қаратилган.

Халқимизда «саксондан сакраб, тўқсон билан тўқнашиб, юзга етиб юринг» деган ажойиб ният бор. Туманимизда 80 дан 100 ёшгача етган ва ундан ошганларни тўплаб, тадбир ташкил этилди. Ҳар бир нуронийга совғалар улашилди. Махсус патталарни бепул олган қариялар лотерея ўйинида қатнашди. Қарангки, ютуқ чиқмаган нуроний қолмади. Бири ғунажин етаклаб, бири ойнаи жаҳон кўтариб, бири гилам қўлтиқлаб уйига кетди.

Туманда 122 нафар қаровчисиз қолган қарияларга 9 хил энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари мунтазам етказиб берилябти. Ижтимоий таъминот бўлимининг 20 нафар меҳрибон ходимлари уларнинг иссиқ-совуғидан хабардор. 14 ёшли ногирон Эркин Норматов ва 61 га кирган Тўхтамурод Султонмуродовлар эса «Маҳалла» жамғармаси ажратган маблағ эвазидан юмшоқ ўринли, ўзи юрар аравачаларга эга бўлишди. Мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилган «Ғамхўрлик» текширувидан сўнг 32 хонадонга таъмирлаш ишларида, 61 кишига моддий ёрдам тариқасида, 58 беморга дори-дармон, 11 кишига кўзойнак, 12 нафар ногиронга эса Олмониядаги «Майра» фирмасининг аравачалари ва бошқа нарсалар билан кўмаклашиш зарурлиги аниқланди. Ҳозир шу текширув бўйича аниқ режа тузилиб, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш бошлаб юборилди.

Нуронийларнинг қўшни Қозоғистон Республикасидаги Туркистон шаҳрида жойлашган Аҳмад Яссавий хоки-пойларига қилган босқичма-босқич зиёратлари жуда завқли ва таассуротларга бой бўлди. Энди улар Ватанимиз ва бутун жаҳонда 2500 йиллик тўйлари нишонланаётган қадимий Бухоро ҳамда Хива шаҳарларига саёҳат қилишни мўлжаллашмоқда. Айни чоғда эса 30 га яқин нуроний шу номли жамғарманинг туман бўлими ажратган йўлланмалар билан «Минерал сувлар» сиҳатгоҳида соғлиқларини тиклашмоқда. «Нуроний» жамғармаси қошида ташкил топган 7 та фирма кийим-кечаклар тикиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ билан машғул. У ерда 40 киши фаолият кўрсатаётир. Яқин кунларда яна 3 та фирма очилади.

— Бир оғиз илтимосимни инобатга олиб, энг замонавий «Майра» ногиронлар аравачасини тақдим этганларга раҳмат. Худога минг қатла шукр, мени йўқлаб, ҳолимдан хабардор бўлиб туришганига, қолаверса, Президентимиз ва ҳукуматимизга ташаккур. Агар улар ижтимоий ҳимоялаш масаласини кун тартибига қўймаганларида бундай эҳтиромга сазовор бўлмасдим, — дейди қўлда бошқариладиган аравачани ҳайдаб бизни қаршилаган Тўхтамурод ака Султонмуродов. Унинг кўзлари ёшланиб кетди. Аммо, бу — севинч ёшлари эди.

Юртимиз мустақиллиги куни туман аҳли учун хайрли кечади. Ўшанда 500 томошабинга мўлжалланган соғломлаштириш мажмуи ишга тушади. Унда баскетбол, волейбол, теннис ўйингоҳлари, сузиш ҳовузи бор, спортчиларга барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Оғир-оғир жомадонларни ортмоғлаб, эрта тонгда расталарга шошадиган тужжорларга ҳам янгилик бор. Шундоқ қўшни Қозоғистон Республикасига туташган жойда муҳташам «Кўктерак», «Ҳасанбой» қишлоғида эса қурилиш маҳсулотлари бозорлари фаолият бошлайди. Шунингдек, «Гулистон» жамоа хўжалигида ҳам катта бозор ишлай бошлайди. Абдураҳмонов номли ва «Ўзбекистон», «Тўлабий» номли жамоа хўжаликларида ўйингоҳ барпо қилинмоқда.

31та мактабнинг барчасидаги ўйингоҳлар қайта таъмирланиб, 12 тасида қўшимча синфлар қуриляпти. Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли ва яна 3 та жамоа хўжалигида қишлоқ врачлик шифохоналари қурилаётир. Энди қишлоқ аҳли соғлиғини олий маълумотли дўхтирлар назорат қилишади. Мавжуд амбулаториялар ҳам шундай шифохоналарга айлантирилди ва янги жиҳозлар, «Дамас» тез ёрдам машинаси билан таъминланди. Хуллас, мунтазам спорт билан шуғулланиб, дўхтирлар кўригидан ўтиб туришга барча шароит муҳайё.

Мамлакатимизда спортнинг нуфузи ошмоқда. Шу туфайли мавжуд ўйингоҳларни таъмирлаб, янги жиҳозлар билан таъминлашга, бошқаларини қуришга киришилди. Қолаверса, ўйингоҳ ёки соғломлаштириш маркази қурилгани ҳолда, улардан аҳоли самарали фойдаланмаса, саъй-ҳаракатлар беҳудадир. Мисол учун, «Келес» ўйингоҳи 930 минг сўм сарфлаб, қайта таъмирланди. Бироқ, «Келес» жамоаси ҳали чиройли, голларга бой ўйинларни кўрсатгани йўқ. Демак, одамларни спорт билан шуғулланишга, чиниқиш зарур эканлигига ўргатиб боришимиз, жамоалардаги ва ўқувчилар ўртасидаги машқларни кучайтиришимиз керак. Зеро, соғ тан — руҳ учун Ватан, деб бежиз айтилмаган.

Ҳар бир қишлоқ, маҳалланинг гузари бўлиши керак, десак, ажабланмайсиз. Бугунги кунда бу сўз ўз маъносида қайта тикланмоқда. Гузарга бордингизми, барча юмушларингиз кушойиш топиб, вақтни тежаб, асабларни асраб, уйга қайтасиз. Йўқ, шу даражадаги мукаммал гузар Тошкент туманида ҳали вужудга келган эмас. Аммо, шунга интилиш бор. «Юнусобод» қишлоғидаги «Султонота» гузарида сартарошхона, ошхона, чойхона, тикувчилик устахонаси, савдо дўконлари жойлашган. «Чувалачи»даги «Нажимота» гузари эса пойабзалларни тузатиш устахонаси, аёллар сартарошхонаси борлиги билан фарқланади. «Ҳасанбой»даги «Имон» мажмуаси автомобилларга техник хизмат кўрсатади.

Келгусида тумандаги 55 та маҳалланинг ҳар бирида гузар бўлади. Ҳозир 12 та маҳаллага идора барпо этдик. Қисқа муддатда идораси йўқ маҳаллаларда ҳам қурилиш жонланади. Туманимизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан «Маҳалла» жамғармаси фаолияти биргаликда йўлга қўйилди. — Негаки, энг ками билан 50 ёш бўлган донишманд, ватанпарвар, оқил-оқсоқоллар биргаликда тўйдаю, азада, анжуману халқ байрамларида тарғибот ишларини олиб бораверсак, ҳар бир хонадон соҳибларига тушунтирсак, озод ватанимизга фойдамиз тегади-да, — дейди туман «Маҳалла» жамғармаси раиси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Эркин Ғуломов.

Миллий кўринишда бунёд этилган «Нажимота» гузарида қурилиш авжида. Гумбазлари кўмкўк маҳалла идораси қошида тикувчилик устахонаси, кейин видеодасталарни ижарага берувчи дўкон, суратхона, пойабзал тузатиш устахонаси, сартарошхоналар, темирчилик ва савдо расталари кетма-кет вужудга келмоқда.

Аҳолига бу йил 14,5 минг квадрат метр ер уй-жой учун ажратилди. Шу дамгача 19 чақирим газ, 5,6 чақирим ичимлик сув қувурлари тортилди. 174 та хонадон газлашди. Яна йил охиригача шу миқдорда ишлар бажарилади. Ўтган йили 1760 та ишчи ўринлари ташкил топганди, бу йил 1410 тадан ошиб кетиши кутилмоқда. Чунки, «Муҳандис» фирмаси шакар ишлаб чиқариш, «Гайбажон» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси қандолат маҳсулотлари тайёрловчи корхоналарни қуришяпти. «Ҳаёт-файз», «Залена», «НВН», «Сабо», «Тикланиш» хусусий корхоналари чет эл маблағини жалб этиш учун бизнес лойиҳаларини тавсия этишган. Вилоят «Бизнес фонд»ида улар ўрганилмоқда. Шу йилнинг олти ойида 33 та хусусий фирма очилди. 641 киши якка тартибдаги фаолиятга рухсатнома олди. Яна Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 1225 ўринли, Абдураҳмонов, Умаров номли жамоа хўжаликларида 320 ўринли мактаблар биноси қад тиклаётир. Демак, олий маълумотли ўқитувчиларга, яъни бугунги талабаларга «жой тайёр».

Туманда маош ва нафақалар ўз вақтида берилябти. 8,5 минг нафар нафақачига йил бошидан ҳозиргача 29 миллион сўм тарқатилди.

Аҳолининг ўзи ҳам қараб тургани йўқ. Улар олти ой мобайнида 276 квадрат метр савдо, 205 квадрат метр овқатланиш шоҳобчаларини, 5 та маиший хизмат нуқтасини бунёдга келтиришди. Шахсий уй-жойларини ўз маблағига тиклашаётир.

11-, 35-ўрта мактабларда 50 ўринли, «Ёшлик» оромгоҳида 150 ўринли, қолган мактабларнинг барчасида 25 ўринли болаларнинг ёзги дам олиш масканлари барпо қилинган. 50 нафар бола эса оилавий шароитларидан келиб чиқиб, бепул оромгоҳларга боради. Шу йил 1 сентябрь, яъни мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллиги кунида биринчи синфга қадам қўядиган 3170 нафар болалар 250 минг сўмлик ўқув қуролларини бепул олишади. Кам таъминланган оилаларнинг 3853 нафар фарзанди эса текинга қишки кийим-бош билан таъминланади, 22 нафар етим бола доим назоратда.

Аммо, шу далил ва рақамлар орқали Тошкент туманида барча иш «зўр» деб баҳоламоқчи эмасмиз. Чунки, тўрт мучаси соғ одам борки, озод Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиши шарт. Бугунги кун ҳар биримиздан амалий саъй-ҳаракатлар кутаётир.

Асқар СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент тумани ҳокимининг муовини.

ҚОНУН БИЛГАН ҚИЙНАЛМАС

Мустақиллик шарофати... Халқимиз қонунларга таянган ҳолда ҳаёт кечирмоқда. Зотан, қонунларни ва ўз ҳуқуқини билмасдан, уни ҳурмат қилмасдан демократик жамият қуриш мумкин эмас. Президентимизнинг яқинда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони айнан шу масалага қаратилди.

Муносабат

Фармон баён этилган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича манфаатдор ташкилотларнинг «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказини тузиш тўғрисидаги таклифлари эътиборга олинганлиги ўта қувончли ҳолдир. Чунки, аҳоли ўртасида унчамунча қонунлар у ёқда турсин, ўзининг оддий ҳуқуқларини билмайдиганлар ҳам топилади. Уларнинг ўз ҳуқуқларини билиши ва фарзандларига уқтириши учун нималар монеълик қилмоқда? Жамиятимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш нималарга боғлиқ? Қандай қилсак, кўзлаган мақсадимизга эришамиз? Хўш, жамоатчиликнинг ижтимоий фикри қандай?

Бизнингча, бу марказнинг тузилиши халқимизнинг маънавий, маърифий салоҳияти ўсишига ёрдам қилади. Қолаверса, мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар, мустақилликнинг моҳияти, бозор иқтисодиётига ўтишдан асосий мақсадимиз ҳар бир инсонга аён бўлиши лозим. Афсуски, ҳали баъзи одамлар лоқайд. Зиммаларидаги масъулиятга совуққон муносабатда бўлишмоқда. Шунинг учун ҳам шаҳар ва туманларда тез-тез учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш, мазмунли маърузалар тайёрлаш лозим.

Бундан ташқари, юқорида номлари тилга олинган жамғарма ва жамоатчилик марказларининг фаолиятини мувофиқлаштириш керакка ўхшайди. Улар биргаликда амалга оширадиган тадбирлари дастурини янада кенгайтирсалар ва бир нуқтага қаратсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳозирги пайтда Бекобод шаҳар «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил иш олиб бормоқда. Ҳозирча бирор дурустроқ натижага эришдик, деб айтаолмаймиз. Лекин, Президентимизнинг ушбу фармонини тўлиқ амалга ошириш учун тарғибот-ташвиқот ишларини авж олдиришимиз керак. Негаки, ушбу фармондан сўнг аҳоли ўртасида қандайдир ўзгача кўтаринки кайфият юзага келди. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир фуқарода ушбу қилинаётган ишим қонуниймй ёки қонунга зидми, деган тушунча пайдо бўла бошлади. Худди шу туйғу ҳамюртларимизни ҳуқуқни ўрганишга мажбур қилса, ажаб эмас.

Одамлар билан суҳбатлашганимизда, жуда кўпчилик ростдан ҳам қонунларни яхши билмасликларини ва оқибатда баъзан қаерга мурожаат қилишни билмай келаётганликларини тан олишмоқда. Айрим ҳолларда эса ўзимизнинг ҳам қонунлардан бехабарлигимиз сезилиб қолмоқда. Биламиз деб, юраверган эканмиз. Ана шу ҳолатлардан маълум бўлдики, Президентимиз ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш масаласини бежиз ўртага қўймаган экан.

Ўйлаймизки, ушбу фармон халқимиз турмуш тарзида ўзига хос бурилиш ясайди, келажакда эса, шубҳасиз, унинг тарихий аҳамияти билинади. Менинг шахсий фикрим ана шундай.

Ашурали БОЙМУРОДОВ,
«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Бекобод шаҳар бўлими раҳбари.

1997 ЙИЛ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

- ***Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг халқ таълими ходимлари қўмитаси ёзги таътил кунларида нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар тўғрисида ҳам алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Шу кунларда халқ таълими бошқармаси қошидаги санаторий-профилакторийда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган муаллимлар ҳордиқ чиқармоқдалар. Бу ерда уларнинг саломатликларини тиклаб, дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.***

Фотомухбиримиз Даврон АҲМАД олган ушбу суратлар ана шу саломатлик масканидан тасвирга туширилган.

Тан соғлик — туман бойлик

ОРБИС–УЧУВЧИ ШИФОХОНА

Тошкент халқаро аэропортида уч ҳафта давом этадиган Орбис — учувчи кўз касалхонаси ўз иш дастурини якунлади. «Кўзни қутқариш» деб номланган ушбу дастурда Ўзбекистоннинг 300 дан ортиқ кўз касалликлари шифокорлари, тиббиёт ҳамширалари, биотиббиёт муҳандислари, анестезиологлар ва бошқалар иштирок этишди. Барча жарроҳлик операциялари ҳамда ўқув дарслари Орбис учувчи касалхонасининг самолёти бортида ва Республика кўз касалликлари шифохонасида амалга оширилди.

Орбис Тошкентга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон офтальмологлар жамияти таклифига биноан учиб келди. Бу уларнинг республикамизга иккинчи бор келиши бўлиб, биринчиси 1993 йилда ўтказилган эди.

Унинг таркибида жаҳоннинг 13 мамлакатидан кўз касалликлари шифокорлари, тиббиёт ҳамширалари, тиббий муҳандислар ва бошқалар бор эди. Шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Ҳиндистон, Шотландия мамлакатларининг 10 дан ортиқ кўз касалликлари жарроҳлари бир ҳафта мобайнида Орбис жамоаси билан фаолият кўрсатдилар.

Орбис дастурига мувофиқ Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд ва бошқа вилоятларидан келган 300 дан ортиқ бемор тиббий назоратдан ўтказилди. 55 нафар бемор самолёт бортида лазер операцияси қилинди. Шунингдек, Республика кўз касалликлари шифохонасида 6 одамга ёрдам кўрсатилди. Бундай мураккаб жарроҳлик операцияларида Тошкентдан офтальмолог, анестезиолог ҳамда ҳамширалар қатнашишди. Барча иш жараёнлари аэропорт биносига ўрнатилган видеокамералар орқали кўрсатилиб турилди. Катталар, ёш болалар ва айниқса, чала туғилган чақалоқлардаги турли кўз касалликлари, уларни бартараф этиш йўлидаги мураккаб жарроҳлик операциялари, кўз гавҳарини кўчириб ўтказиш ва турли янги услублар тўғрисида қатор маърузалар ўқилди. Шунингдек, офтальмологик жиҳозлардан фойдаланиш ва уларнинг таъмирланиши тўғрисида йўлланмалар берилди. Лабораторияларда замонавий жиҳозлар қўлланилиши юзасидан турли амалий тажрибалар олиб борилди.

Орбис — ҳайрия, гуманитар ёрдам кўрсатувчи ташкилот сифатида ташкил этилган бўлиб, асосий мақсади оғир кўз касалликлари билан азоб чекаётган беморларга офтальмологик ёрдам беришдир. Энг сўнгги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган учувчи кўз касалликлари шифохонасининг яна бир афзаллик томони шундаки, у ерда лазер жарроҳлик операциялари ўтказиш учун махсус хона, маърузалар ўтказиш хонаси ҳамда 15 та видеокамера ва 40 та мониторлар тизими ташкил этилган.

1982 йилда ташкил этилган Орбис то шу кунга қадар жаҳоннинг 76 дан ортиқ мамлакатида 377 номдаги дастурларни амалга оширди. Орбис самолёти бортининг ўзида 35000 дан ортиқ офтальмолог шифокорларга иш тажрибалари ўргатилиб, уларнинг малакалари оширилди. Турли кўз касаллигига чалинган 23000 беморнинг кўриш қобилияти сақлаб қолинди. Унинг идораси Нью-Йоркда жойлашган бўлиб, ваколотхоналари эса Лондон, Гонгконг, Хюстон, Техас каби йирик шаҳарларда фаолият кўрсатади. Шунингдек, Хитойдаги Тайюань шаҳрида доимий ўқув маркази ишламоқда.

Орбисни жаҳоннинг 70 га яқин арбоблари, жумладан, Америка Қўшма Штатларининг президенти Клинтон, Хитой Халқ Республикасининг президенти Цзянь Цземинь, малика Диана, Тереза она ва бошқалар доимий равишда қўллаб келмоқдалар.

Мазкур клиниканинг бу галги ташрифида Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва «Бакри» компанияси гуруҳи, Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакомпанияси, Кока-кола-Ўзбекистон, Роз Трэйдинг, Юнайттед Эйрлайнз, Бузтон, Американинг Тошкентдаги Бизнес маркази, Ломбант, Табан, Микро Серджикал ва бошқалар ҳомийлик қилдилар.

Орбисга кўрсатилган катта ёрдам эвазига Ўзбекистон кўз касалликлари шифокорлари жамоасига тиббий жиҳозлар ҳамда самолёт бортида ўтказилган мураккаб ва энг муҳим жарроҳлик операцияларининг тасвирлари туширилган видеокассеталар, борт кутубхонасидаги ноёб китобларнинг видеоёзувлари тақдим этилди.

Дония ЗОКИРОВА.

Бозор ислоҳотлари йўлида

«ФАТА» ФИРМАСИ: ДАЛАДАН МАГАЗИНГА ҚАДАР

Рақобатбардошли товарларни экспорт қилиш — Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик юритиш жараёнида тенг иштирок этишининг асосий шартларидан биридир. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун эса шунга мос келадиган юксак технологияларни ўзлаштириш зарур. Бундай технологияларнинг эгалари ва уларни ишлаб чиққан кишилар эндиликда мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Республика бизнес-инкубаторида бўлиб ўтган жаҳонга машҳур «Фата» фирмаси технология лойиҳалари билан таништириш маросими бу фикрни тасдиқлайди.

Маросимда Бухоро, Жиззах ва Тошкент вилоятларидан кичик ва ўрта бизнес вакиллари, шунингдек республиканинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлайдиган бир қанча ташкилотлари намоёндалари иштирок этди. Улар «Фата» фирмасининг фаолияти, фирма мутахассислари мамлакатимизда жорий этиш учун таклиф этаётган энг истиқболли лойиҳалар билан танишдилар.

Бундан ярим аср муқаддам Италиянинг Турин шаҳрида барпо этилган фабрика тусидаги кичик корхона ривожланиб, ҳозир жаҳонга машҳур «Фата» фирмасига айланди. У саноатни автоматлаштириш, алюминийни қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш каби муҳим тармоқларда Европадаги пешқадам корхона бўлиб қолди. Буюк Британия, Германия, Испания, Финляндия, Франция ва АҚШда фирманинг филиаллари, жаҳоннинг бошқа бир қанча мамлакатларида ваколатхоналари бор. Фирма фаолиятининг ўзига хос хусусияти — аниқ ишлаб чиқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни турли тармоқларга жорий этишгача бутун йўлни ўз ичига оладиган комплекс технологияларни яратишдан иборат.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга даладан магазинга қадар барча жараёнларни тўла назорат қилишни кўзда тутадиган комплекс ёндашувни ўзлаштириш республика иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги тармоғи самарадорлигини бир неча баравар оширади.

— Биз фирмамизнинг лойиҳаларини жорий этиш мақсадида Тошкент вилоятидаги бир қанча хўжаликлар билан дастлабки музокараларни ўтказдик, — деди фирма ваколатхонаси раҳбарларидан бири Ж.Росси. — Бу лойиҳа зарур агротехника тадбирларини амалга ошириш, тегишли равишда ишлов берилган пайкалларда сабзавот ва мева етиштиришдан бошлаб, уларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни қадоқлаб, идишларга жойлаш ва сўнгра уларни сотишга қадар барча тадбирларнинг ягона занжиридан иборат. Биз йирик лойиҳалар билан бир қаторда бўлажак ҳамкорларимизга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган такомиллаштирилган кичик линияларни ҳам таклиф қилишимиз мумкин. Тажрибанинг кўрсатишича, бундай линияларни ўрнатишга кетган харажат тезда қопланади, улардан фойдаланишда ҳеч қандай муаммо юз бермайди. «Фата» фирмаси давлат ташкилотлари билан ҳам, республикангиздаги кичик ва хусусий бизнес вакиллари билан ҳам ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Чунки, Ўзбекистонда табиат эҳсонлари жуда ноёб. Улар илғор технологиялар асосида қайта ишланса, узоқ муддат сақлаш мумкин булади, бундай тотли маҳсулотларни жаҳоннинг кўп мамлакатларидаги истеъмолчилар бажонидил сотиб олади.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

♦ ЎТГАН сешанба куни Самара вилоятининг «Волга қоялари» дам олиш масканида ўз таътилини давом эттираётган РФ президенти Б. Ельцин Россия мудофаа вазири И. Сергеев билан учрашди. Унда Россия армиясида ҳарбий ислоҳотларни ўтказиш масаласи муҳокама қилинди. Мулоқот пайтида ҳарбий хизматдан бўшатиладиган 500 минг нафар зобитлар учун 100 минг уй қурилажаклиги айтилди.

♦ НАТОнинг ҳарбий қўмитаси раиси, олмониялик армия генерали Клаус Науман Литвага келди. Шимолий Атлантика уюшмаси вакили Литва мудофаа вазирлиги раҳбарияти билан учрашувда Мадрид саммити якунлари ҳамда Литванинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиши хусусида фикрлар алмашди.

♦ АФҒОНИСТОН пойтахти Кобул атрофидаги вазият дафъатан кескин ўзгарди. Аҳмад Шох Масъуд бошлиқ иттифоқчилар ҳамда шиачиларнинг Ислом бирлиги уюшмаси тарафдорларидан иборат бўлган ҳарбий қисмлар «Толибон» кучларига қарши қақшатғич зарба бердилар. Натижада, Қундуз, Чорикор, Баглан, Гурбанд шаҳарлари озод этилди. 700 га яқин толибончилар қириб ташланди, кўплаб жангарилар асирга олиндилар.

ШИМОЛИЙ КАВКАЗДА НИМА ГАП?

БИЗНИНГ ШАРҲ

...ЮРИБ келаётган одамлар билан лиқ тўла автобус қўққисдан ўққа тутилди. Қий-чув бошланди. 10 нафар бегуноҳ киши қурбон бўлди. Уларнинг ҳаммаси ингушлар эди...

Шимолий Осетия билан Ингушистон Республикасининг туташ чегарасида жойлашган Пригород туманида юқоридагига ўхшаш мудҳиш воқеалар кунда-кунаро неча бор такрорланиб турипти. Умумий вазият ниҳоятда кескинлашмоқда. Осетинлар билан ингушлар оломон бўлиб, ҳунрезлик қиладиган аянчли кунлар бошланиб кетмасайди, деб одамлар қаттиқ хавотирга тушмоқдалар.

Ҳа, Ингушистон билан Шимолий Осетия Республикаси ўртасидаги арзимас «ер талашиш» можароси бошланганига ҳадемай беш йил бўлади. Гап шундаки, мазкур туманда яшовчи осетинлар 1992 йилда кўплаб ингушларни қувғин қилдилар. 40 минг нафардан кўпроқ кишилар бош олиб кетишга мажбур бўлдилар. Баҳона — Пригород тумани фақат Шимолий Осетияга тегишли эмиш...

Ўтган давр мобайнида Россия, Чеченистон, Ингушистон, Шимолий Осетия, Озарбайжон каби мамлакатларнинг юқори мартабали арбоблари аралашуви натижасида вазиятни бир қадар мўътадиллаштиришга муваффақ бўлинди. Лекин, нимжон осойишталик тезда барҳам топавермади. Ўртадаги жанжал-тўполонлар тинчимади. Қуролли аслаҳалардан ўт очишлар, босқинчилик, гаровга олишлик, зўравонлик кундалик оддий воқеага айланди.

Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Иван Рибкин, Ингушистон президенти Руслан Аушев, Шимолий Осетия президенти Ахсарбек Галазовлар ўртасида бўлиб ўтган музокаралардан сўнг аҳвол бироз яхшиланганга ўхшади. Бош олиб кетган 40 минг нафар ингушдан 15 минги Пригород туманидаги уйларига қайтиб кела бошладилар. Ўшанда аввалги машмашалар қайтадан «алангаланди». Ингушлар чайлаларини тиканли симлар билан ўраб қўйишлар, кўчаларда соқчилар ҳамроҳлигида юришлар ҳам натижа бермади. Қисқа муддат ичида 40 мартадан кўпроқ террорчилик ҳуружи қилинди. Ингушлар ҳам жим ўтирмадилар. Осетинлардан 30га яқин одам гаровга олинди. Оқибатда турмуш кечиришнинг оддий бир тарзига ҳам имкон қолмади.

Аҳволни яхшилаш учун саъй-ҳаракат бошланди. РФ Хавфсизлик кенгаши котиби И. Рибкин васийлигида ўтказилган Ингушистон ва Шимолий Осетия раҳбарларининг музокаралари барибир натижа бермади. Ингушистон президенти Р. Аушев Пригород туманида президентлик бошқарувини жорий этиш таклифи билан чиқди. Шимолий Осетия раҳбари А. Галазов эса бу чоранинг мутлақо ярамаслигини айтиб, қатъий рад этди. Бу ерда агар президентлик бошқаруви жорий этиладиган бўлса, Шимолий Осетия РФ таркибидан чиқади, деб дўқ-пўписа қилди.

Яқиндан бошлаб икки ўртадаги бу можарога Чеченистон ҳам аралашиб қолди. Чунки чеченлардан бир неча киши Шимолий Осетияда гаровга олинган эди. Куни кеча Грозний футбол ўйингоҳида тўпланган сон-саноқсиз кишилар ушланган чеченлар дарҳол бўшатилмаса, биз уларни озод этиш учун барча чораларни кўрамиз, дедилар. Шундан сўнг Чеченистон президенти А. Масхадов Шимолий Кавказдаги аҳволни булғатишда асосий айбдор А. Галазов, деб айтди. Унинг гапича, Шимолий Осетия асрлар давомида русларнинг Кавказга қилган босқинчиликларида асосий таянч вазифасини ўтаган. Имом Шомил таваллудининг 200 йиллигини нишонлаган Ичкерия халқи берилган қурбонлар учун ўч олишликка қасамёд қилдилар.

Шундай қилиб, Шимолий Осетия устида қора булутлар тобора қуюқлашмоқда. Манман, қизиққон, иззатталаб, жаҳлдор Кавказ халқларининг ўзига хос табиатини ҳисобга олганда, дунёнинг бу катта минтақасидаги можароларнинг нима билан тугашини ҳеч ким айтиб бера олмаётир. Шубҳасиз, Грузия билан Абхазия, Арманистон билан Озарбайжон ўртасидаги ихтилофлар ҳам ана шу катта жанжаллар сирасига киради.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

♦ ЯҚИНДА бўлиб ўтган сайловда ютқазиб қўйган Мўғулистоннинг собиқ президенти П. Очирбат тарафдорлари ҳамон Олий Хуралида кўпчиликни ташкил этмоқда. Улар ўзларининг собиқ раҳбарларини ҳафа қилмадилар. Яқинда унга янги данғиллама уй қуриб бериш, вазир даражасида ойлик маош тайинлаш, шахсий машина ҳамда қўриқчилар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

♦ КОФЕнинг ватани қаер, деб сўралса, кўпчилик Бразилия деб жавоб беради. Чиндан ҳам хозирги пайтда бу маҳсулотни энг кўп ишлаб чиқарадиган мамлакат баайни Бразилиядир. Аммо, дунё олимларининг изланишлари бошқа натижага олиб келди. Тахмин қилинишича, кофе дарахтлари жуда қадим замонда дастлаб Хабашистон (Эфиопия)нинг Каффе вилоятида ўстирилган. Кофенинг номи ҳам мана шу минтақа номидан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас. Илгарилари кофе доналари ёғда қовуриб ейилган. XIV асрда эса кофезорлар Яманда пайдо бўлди. Уни қайнатиб, ичимлик тариқасида ичиш баайни шу ерда таомилга кирди. XV асрда Макка, Бағдод, Қоҳира, Дамашқ фуқаролари бу ичимликни севиб қолдилар. XVII асрга келиб эса кофе овруполикларнинг дастурхонида пайдо бўлди.

♦ ҲИНДИСТОННИНГ шарқий вилояти — Трипур касалхоналаридан бирига келган ҳастанинг ёши айтилганда ҳамма ёқа ушлади, Бидья Мохан Деббарме 137 ёшда экан. Бунинг тўғри ёҳуд нотўғрилигини аниқлашга киришган мутахассислар, ҳа, Б. М. Деббарме 920 миллион ҳиндларнинг энг кексаси, деган қарорга келдилар.

♦ ҚОЗОҒИСТОН шаҳарларидан бирида томоша кўрсатилаётганда Тюмень циркчиларининг Умка лақабли айиғи ходималардан бирининг икки ёшли ўғилчасига ташланди. Болакай айиқ чангалидан омон-эсон қутқариб олинса ҳам жуда хунук воқеа рўй берди... Ҳайвон ўткир тирноқлари билан боланинг бош терисини шилиб олишга улгурган экан... Халқнинг отни тепмайди, итни қопмайди, демагин, деганлари тўғри экан-да.

• Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳри ўзининг бетакрор қурилишлари билан дунёга машҳур.

ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ «ИШГА ТУШДИ»

МАЪЛУМКИ, ўтган ҳафтада Ҳиндистон мамлакатида президентлик сайловлари бўлиб ўтган эди. Овоз берилганидан кейин бир неча кун ўтгач, амалдан кетган президент Шанкар Дайал Шарманинг ўринбосари бўлган 75 яшар Кочерил Роман Нарайананнинг ғалаба қилганлиги маълум бўлди. Куни кеча янги президент ўз лавозимини адо этишга киришди. Давлат бошлиғини «тахтга ўтқазиш» маросимида кўплаб чет эллик меҳмонлар, дипломатлар, давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

***

8.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
8.50 «Дунё — болалар нигоҳида». Халқаро кўрик-танлов.
9.30 «Кетмас давлат берсин».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун фильм. «Бембининг ёшлиги».
11.10 «Илм ўзликни билмакдир». Маърифий кўрсатув.
11.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.05 «Ғазалхон ёшлигим».
12.30 «Гугуртга кетиб». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.55 Мерос. «Кубро». Бадиий-публицистик кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.15 «Умид учқунлари».
18.35 «Фан фидойиси». Олим Раҳмонбек Раҳимбеков хотирасига.
19.05 «Ҳуқуқ сабоқлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Умрбоқий тароналар».
21.35 «Сиёсат оламида».
22.05 Ойнаи жаҳонда биринчи марта Э. Воҳидов. «Иккинчи тумор». Огаҳий номидаги Хоразм вилоят драма театрининг спектакли.
23.50 Эълонлар.
23.55 «Ахборот».
00.20 «Олам ва одам».
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.20 «Спорт қитъаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 Кинонигоҳ.
22.00 Кундалик.
22.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.20 «Спорт қитъаси».
23.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
24.00—00.10 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси.
17.20—20.30

*

20.30 «Кругозор». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.00—21.30

*

21.30 «Канизак Изаура». Телесериал. (Сўнгги серия).
22.30 Эълонлар.
22.35 «Нафосат оламида». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультикарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Умид».
20.05 «Жаҳон».
20.25 «Авторейд».
20.35 «Фариштам».
21.00 «Ракурс».
21.30 «Спорт-тайм».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.15 «Шарқ тароналари». Самарқанд халқаро мусиқа фестивали олдидан. 1-кўрсатув.
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

***

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам».
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Сурхон тонги».
9.20 Биржа ва банк хабарлари.
9.35 «Умрбоқий тароналар».
9.50 «Ғаройиб орол». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бозор ҳақида ўйлар».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 «Абитуриент—97» Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 «Качал полвон». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
12.20 «Қонун ва биз».
12.55 «Сирли шарча». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.50 Э. Воҳидов. «Иккинчи тумор». Огаҳий номидаги Хоразм вилоят драма театрининг спектакли.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Она сайёра». Кинокўрсатув.
18.40 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.00 «Тарихингдур бир жаҳон». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Европа таассуротлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Эстрада тароналари.
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига. «Юртим мўъжизалари».
22.10 «Ором онлари». Дам олиш дастури. Қибрай тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
22.50 «Ўзбекистон ва жаҳон»
23.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ассалом алайкум, азизларим».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Япония ҳақида ҳикоялар.
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мультттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Нафис мажлислар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик...
22.50 «Акс»
23.10 «Авлодларимиз».
23.25 «Спорт қитъаси»
23.55 «ТВ плюс...»
00.10—00.20 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси.
6.30—8.00

***

17.20—20.30

*

20.30 «Аждаҳо ва куёш», «Масленкалик бузоқча». Мультфильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Севгилим учун учта лимон». Бадиий фильм.
22.40 «Нилуфар гуллаганда». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультикарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун» Ахборот-дам олиш дастури.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 Долзарб репортаж.
21.00 «Уйингоҳ».
21.30 «Америкага назар».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон — бешинчи довон».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

***

8.25 Эстрада тароналари.
8.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига. «Юртим мўъжизалари».
9.15 «Соғлом авлод учун».
9.30 «Япония ҳақида ҳикоялар».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Элга хизмат: талаб ва таклиф».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 «Абитуриент—97». Физика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Бокира туйғулар».
11.50 «Совун ўғрилари». Бадиий фильм.
13.15 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.40 «Бармоқлар сеҳри».
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.45 «Ором онлари». Дам олиш дастури. Қибрай тумани меҳнаткашлари ҳузурида.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.40 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.45 «Юрагимни ейиб яшайман». Телеочерк.
19.05 Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар: «Маслак ва мақсад».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автоолам».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Миллий мусиқий қадриятлар». Савти Фаттоҳхон.
21.50 Бухоро—2500. «Бухорои Шариф».
22.10 «Вазият».
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Ў. Хошимов. «Инсон садоқати». Телеспектакль. 1-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотига номзодлар. «Тасвирга кўчган кўнгил».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мультттўплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.50 «Спорт қитъаси».
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.10—00.20 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30—8.00

***

17.20—20.30

*

20.30 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.00—21.30

***

21.30 «Ўғрилик». Бадиий фильми. 1-серия.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Ўзбекистон ботаника боғи». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультикарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Ирендэк».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.35 «Нафосат гулшани».
21.05 «Таклифлар ва ташрифлар».
21.30 «Автосалтанат».
21.40 «Парвоз».

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИ ЎҚИБ, ОЛАМИ ЖАҲОНДА КЎРИНГ

22.05 Эълонлар.
22.10 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Шарқ тароналари». Самарқанд халқаро мусиқа фестивали олдидан. 2-кўрсатув.
23.20 «Қалдирғоч». Қисқа метражли бадиий фильм.
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
8.55 «Миллий мусиқий қадриятлар». Савти Фаттоҳхон.
9.25 «Эл тинчлиги йўлида».
9.45 «Истак бору, имконият-чи?»
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Чемпион билан учрашув». Чавандоз Даврон Рўзимуҳамедов.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 «Абитуриент—97». Математика.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 «Нотаниш дил суҳбати».

«Ёшлик студияси намойиш этади:

11.45 «Идрок».
11.55 «Орзулар қанотида».
12.15 «Истеъдод».

***

12.35 «Бола дунёни тебратар». Мактабгача тарбия масалалари.
13.05 «Сайқал» Тележурнал.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.40 «Кўк серек». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гуллармиз».
18.30 «Авлод».
18.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига. «Озод ва обод юрт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Инсон манфаатлари йили».
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ байрами.
21.50 «Донишнома». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.10 «Таҳлил».
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Ў. Хошимов. «Инсон садоқати». Телеспектакль. 2-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Манзилимиз — Регистон». Адабий кўрсатув.
00.20 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультипанорама».
9.25 «Турфа олам».
9.45 «Туҳфа».
9.55 «Бу мунис лаҳзалар».
10.20 «Жараён».
10.30 «Даллас». Телесериал.
11.20 «Миллионлар ўйини».
11.50 «Тақвим».
12.00 «Видео-О».
13.40—14.40 Болаларнинг ёзги таътил кунларида.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Кўзмунчоқ».
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Қатрада қуёш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.10 «Мутойиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Одобнома».
21.25 «Муножот». Мумтоз наволар.
21.35 Эълонлар.
21.45 «Кино жавонидан».
23.50—24.00 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси.
6.30—8.00

***

17.20—20.30

*

20.30 «Биз қандай дам оляпмиз?» Тошкентдаги «Шарқ гули» корхонаси мисолида.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.00—21.30

***

21.30 «Ўғрилик». Бадиий фильм. 2-серия.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Заргар». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Айчурэк».
20.20 «02» тўлқинида.
20.35 «Компьютер ревю».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Эльдорадо». Телесериал.
21.25 «Интерспорт».
21.35 «Голливуднинг ажабтовур ўйинлари». Сериал.
22.05 «Европа манзаралари». Швейцариянинг миллий байрами — Конфедерация кунига.
22.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.55 «Сени излайман». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ байрами.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Манзилимиз — Регистон». Адабий кўрсатув.
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шоҳсанам».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ стадионларида».
10.25 «Ислоҳот одимлари».
10.35 Болалар учун фильм. «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида ривоят».
11.45 «Қалб кўзгуси».
12.05 «Кувноқ ёз».
12.25 «Буланка» меҳмонхонаси». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Наташа учун эртак». Мультфильм.
18.20 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.40 «Битик». Адабий кўрсатув.
19.00 «Излаган имкон топади».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Шеър ва шуур».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Умрбоқий тароналар».
21.45 «Маърифатнома».
22.15 Хива—2500. «Меҳр макони».
22.35 «Бир жуфт қўшиқ».
22.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига. «Юртим мўъжизалари».
23.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
00.10 Эълонлар.
00.15 «Ахборот».
00.40 — 00.45 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Кўзмунчоқ».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Бир жуфт қўшиқ».
9.40 «Билиб қўйган яхши».
9.50 «Қатрада қуёш».
10.05 «Дубляж».
10.20 «Мутойиба».
10.35 «Одобнома».
11.10 «Муножот». Мумтоз наволар.
11.10—13.15 «Кино жавонидан».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.40 «XXI аср авлодлари».
19.00 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.05 «Спорт қитъаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.05 «Бу қизиқарли».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Йирик планда». Видео янгиликлари.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.15 «Дераза».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30—8.00

***

17.20—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Мисгар», «Келин отланиш маросими». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.30

***

22.30 «Асрлар оҳанги», «Амалий санъат ворислари». Телефильмлар.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Рангинкамон».
20.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Эльдорадо». Телесериал.
21.35 «Йўллар ортидаги йиллар».
22.00 «Латофат».
22.20 Араб эстрадаси.
22.40 «Жума куни ишдан сўнг».
23.10—23.20 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Араб эстрадаси.
9.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига. «Юртим мўъжизалари».
9.20 «Алпомиш авлодлари».
9.40 «Цирк, цирк, цирк!».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.10 «Баҳс».
10.30 «Умр йўллари».
10.50 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
11.55 Хабарнома.
12.15 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
13.50 «Маърифатнома».
14.20—14.40 «Болаларга бахшида умр».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Гулгунчалар».
18.15 Мультолам.
18.35 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар.
19.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Маҳалладан бошланур Ватан». Премьера.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти янгиликлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистоннинг янги тарихи.
21.30 «Шийпондаги учрашувлар». Фарғона вилояти Бешариқ тумани дала меҳнаткашлари ҳузурида.

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

22.10 «Куй ва тасвир».
22.30 «Дил». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «XXI аср авлодлари».
9.40 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
9.45 «Спорт қитъаси».
10.05 «Бу — қизиқарли».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Йирик планда». Видео янгиликлари.
10.55 «Кинонигоҳ».
12.30—12.45 «Дераза».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Боланинг тили».
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Табиат шифохонаси».
19.00 «Таянч».
19.15 «Дилором наволар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Умрбоқий мерос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинотақдим».
21.20 «Қўшиқлар жилоси».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Интер-футбол».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.50 «Видео-О». Саргузашт фильмлар экрани.
00.20 — 00.30 «Даракчи».

III

17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.50 «Етти умид камалаги». Фильм-эртак.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.55—22.20

*

22.20 Эълонлар.
22.25—22.55 Хиванинг 2500 йиллигига.»Хива». Манзарали фильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Шанба эртаги».
10.25 «Спектаклдан сўнг».
10.50 «Олтин мина». Бадиий фильм.
13.00—13.20 «Корейс тилини ўрганамиз».

***

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Биргаликда куйлайлик».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Самодаги олмослар». Телесериал.
21.35 «Эсдалик учун дастхат». Маъмура Қурбонова.
22.00 «Бугунги Польша».
22.15 «Бу ажиб дунё».
22.30 «Хит-коллекция».
22.50—23.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Бугун — Темирйўлчилар куни. «Йўллар ва манзиллар».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

11.20 «Мен билган, билмаган дунё».
11.40 «Оқибат».
12.00 «Табассум кўчалари».
12.35 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.
13.05 «Мусобақалар, очколар, ютуқлар».
13.25 «Шийпондаги учрашувлар». Фарғона тумани Бешариқ дала меҳнаткашлари ҳузурида.
14.05—15.05 «Нурли келажак».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кузянинг қайтиши». «Бўғдойзордаги уйча». Мультфильмлар.
18.20 «Олам». Кинокўрсатув.
18.40 «Куйла, ёшлагим».
19.00 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Ўзбекистон халқ ҳофизи Очилхон Отахонов куйлайди.
21.35 Футбол майдонларида.
22.00 «Жаҳонгашта рицарь». Кўп қисмли бадиий фильм. 1-2-қисмлар.
00.15 Эълонлар.
00.20 «Ҳафтанома».
00.50—00.55 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Қонун ҳимоясида».
9.40 «Табиат шифохонаси».
9.50 «Таянч».
10.05 «Дилором наволар».
10.15 «Бизнес-академия».
10.30 «Умрбоқий мерос».
10.45 «Кинотақдим».
11.05 «Қўшиқлар жилоси».
11.15 «Даллас». Телесериал.
12.05 «Интер-футбол».
12.20—14.00 Видео— «О».

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Мультипанорама».
18.40 «Синфдош».
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 «Келгуси ҳафтада».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мусиқа салтанати».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Соғинч».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Миллионлар ўйини».
22.40 «Тақвим, оҳанглар, эълонлар».
22.50—00.40 Видео — «О».

III

16.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
16.50—22.25

*

22.25 Эълонлар.
22.30—22.55 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Парле ву франсэ».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.35 «Киносалон». «Бразилия». Бадиий фильм.
13.35 «Кинони севасизми?»
14.05 «Жонли сайёра»
14.25 Джек Николсон «Бетмен» фильмида бош ролда.
16.05 Шу куннинг мавзуси.
16.20 «Сенинг вақтинг».
16.40 «Ўзбектелефильм» маҳсулоти. «Иқтисодий ислоҳот уфқлари».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Менинг кучам».
19.20 «Иқтисод».
19.40 «Телеташриф».
20.00 «Тошкент оқшомида».
20.30"Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
21.00 Эълонлар.
21.05 Киносалон. «Жилва». Бадиий фильм. Бош ролда Дж. Раш.
22.45 «Иштирок этувчилар».
23.15—23.25 «Хайрли тун!»



Митти ёқутчалар

ФАРМОН

УЛУҒ мутафаккир ва аллома Алишер Навоийнинг энг яқин дўстларидан бири, шоир мавлоно Соҳиб Доро шундай ривоят қилади:

— Ҳижрий 903 (милодий 1497) йили Ҳирот шаҳрида ўғри ва безорилар кўпайиб кетиб, халқнинг тинчлиги жуда бузилди. Ҳар кеча деярли одам ўлдириларди ёки бирор уй талон-тарож қилинарди. Ўғри ва безориларнинг ўзбошимчаликлари ҳаддан ошиб кетгач, султон Ҳусайн Мирзо жиддий чора кўришга мажбур бўлди. «Ҳар қайси маҳалла аҳли ўз атрофидаги ўғри ва безориларни тутиб, ҳукумат маъмуриятига топширсинлар. Уларни яширган маҳалла аҳлига жазо берилади» деб буйруқ берди. Шу фармонга биноан ҳар қайси маҳалла аҳли ўз атрофида бўлган ўғри ва безориларни ёки шу ишда гумон қилинганларни тутиб, ҳукумат маъмуриятларига топшира бошлади...

ҲИКМАТ: Одамнинг қадру қиммати инсонларга қилган яхшилиги билан ўлчанади!

***НАЗМ:** Нафъинг агар халққа*
бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур!

ЗАКИЙ

ШУНДАЙ қилиб, келтирилган кишилар орасида айбсизлар ҳам бор эди. Маъмурлар текширмай қўлга тушганларнинг ҳаммасини жазолай бошладилар. Шу сабабли норозилик товушлари кўтарилди. Бу ҳолдан хабар топган султон Ҳусайн Мирзо: «Бундан сўнг ўғри ва безориликда айбланган кишилар яхшилаб текширилсин, айби исбот қилинган кишиларгина жазолансин», деб ҳукм қилди. Текшириш ишини олиб бориш учун Алишер Навоий тайин қилинди. Шу атрофда Носир рангрез номли бир йигит бор эди. Безориликда унга тенгдош топилмасди. Айни пайтда, у жуда зийрак, зариф ва закий йигит эди. Иттифоқо бир куни уни Алишернинг ҳузурига тутиб келтирдилар. Носирнинг безори эканлигига Алишер гувоҳ талаб қилди. Шунда тўрт муллавачча гувоҳлик берди. Сўнгра Алишер Носирга:

— Сен нима дейсан? Муллаваччаларнинг сўзлари тўғрими? — деди. Носир муллаваччаларга ғазаб билан тикилиб деди:

— Ўзларингиз ҳалокатга маҳкум бўлган махлуқларсиз; шундай бўлатуриб, яна менинг ҳақимда ярамас гумон қиласизлар?!

Алишер Носирнинг бу сўзидан завқланди, кўп панд-насиҳат қилиб уни озод этди. Уч кундан кейин Носирни безориликда айблаб, яна тутиб келтирдилар...

ҲИКМАТ: Насиҳат ҳақиқий даво, ундан ичган одам ёқимсиз хулқлардан озод бўлади!

***НАЗМ:** Нафъ тегурмакки,*
шиор айладинг,
Ўзунга ул нафъни ёр айладинг!

ЗАРИФ

ШУНДА Алишер Носирни кўриб:

— Ҳали ҳам безориликдан қайтмадингми? Энди сенга оғир жазо бериш керак бўлиб қолди, — деди. Носир таъзим қилиб, шундай жавоб берди:

— Улуғ Амир, оғир жазо бериш фақат раҳмсиз, золимлар қўлидан келади. Сиз, албатта, бундай золимона ишни қилмайсиз. Сизнинг олижаноб, марҳаматли ва шафқатли бир зот эканингизни биламен.

Алишер унинг зийраклигига, хушомадига қараб, бу дафъа ҳам уни озод қилди.

Носир бир ҳафтадан кейин тағин қўлга тушди. Алишер ҳузурига келтирилди. Алишернинг ёнида Мирак Ғиёс номли бир мулла ва шоир турганди: «Энди бу безорини дам бериб, ўлдириш керак», деб маслаҳат бери у. Носир Мирак Ғиёсга қараб:

— Эй, Мирак, дам бериб, одам ўлдириш тажрибасини энг аввал сиздан бошламоқ керак, чунки, сиз мендан кўра бу тажрибага лойиқроқдурсиз, — деди.

Носирнинг бу сўзига Алишер кулиб, Мирак Ғиёсга:

— Кўрдингизми, қандай хуштаъб, зариф бир йигит. Бундай ўткир йигитни ҳалок қилиш мурувватдан эмас, — деб Носирни озод қилдилар.

Орадан ўн кун ўтди. Носир безориликда айбланиб, яна Алишер қошида бўлди. Бу сафар Алишер аччиғланиб:

— Энди ҳаддингдан ошдинг, жазо бермасак бўлмайдиганга ўхшайди, — деган эди, Носир маъюс ҳолда бош эгиб:

— Эй, шафқатли Амир, менинг ота-онам йўқ, етимман. Сиз «етимларга жабр қилманг», деган оятга амал қилсангиз, мени озод қилинг!

Алишер Носирнинг ақл-фаросатига, зарифлигига ҳайрон қолиб, уни тарбиясига олди. Носир Алишер тарбияси соясида жамиятга фойдали киши бўлиб етишди.

ҲИКМАТ: Мол ва бойликнинг умри қисқа, тезда завол топади. Аммо, яхши ном узоқ асрлар ўлмай яшайди!

***НАЗМ:** Улки, зарар шевасини тавр этар,*
Элга демакким, ўзига жавр этар!

САБОҚ: Эй, муҳтарам, билгинки, инсон хилқати билан икки йўлга юришга қодир. Аввало, у ўз феълини яхшилаши, хулқини поклаши, қалбини мусаффо қила олиши ёки ёмон феълларга ўрганиб, разолат ботқоғига ботиши мумкин. Инсон ёшлигидан шу икки йўлнинг қай бирига мойил бўлса, бора-бора бу феъллар унинг табиатига ўрнашиб бораверади. Инсон ўз-ўзини поклаши учун доимо улуғликка етказувчи, саховатни барпо қилувчи, азизлик келтирувчи ҳислатларни эгаллашга интилиши ва буларни камайтирувчи феъллардан узоқлашиш йўлини қидириши лозим!

***АЛҚИССА:** Агар яхшилик*
кимга афъолдур,
Жазоси анинг ганжи иқболдур!

Баҳодир ВАЛИЕВ
тайёрлади.

● *Болаларнинг ёзги таътил кунлари табиат қўйнида янада завқли ўтади.*

Равиль АЛЬБЕКОВ сурат-лавҳалари.

ҲАМ ТАРБИЯ, ҲАМ БИЛИМ

«Соғлом авлод учун» дастурини амалга оширишда Чирчиқ шаҳридаги 8-болалар боғчасида олиб борилаётган ишлар ибратлидир. Бу масканда кичкинтойларнинг ақлий ва жисмоний камол топишлари учун барча шароитлар муҳайё. Спорт зали, физиотерапия хонаси, мўъжазгина футбол майдони қаторига фитобар ва компьютер хоналари қўшилганлиги ҳамда кинозалнинг янги кинотасмалари билан бойиганлиги мураббийларга қўл келмоқда.

Яқинда шаҳар халқ таълими бўлими бу болалар масканини энг намунали боғча деб тан олди ва унинг тажрибасини оммалаштиришга қарор қилди.

Акбар АЛИЕВ.

Ҳиммат

«Олатой ҳақидаги қисса»...

«Тонг юлдузи» газетасининг сўнгги ойлардаги бир неча сонидан ўрин олган бу қиссани ёш газетхонлар катта қизиқиш билан ўқидилар.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист Исмоил Сулаймонов қаламига мансуб бўлган бу асар ёшларни табиатга, жониворларга меҳрли бўлиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Асар муаллифи ҳиммат кўрсатиб, қиссага бериладиган қалам ҳақини таҳририят ихтиёрида қолдирди. Таҳририят муаллиф истагини инобатга олиб шу қалам ҳақи ҳисобидан ёз таътили ҳақидаги лўнда, саргузаштнома, самимият билан ёзилган мақола муаллифларини «Тонг юлдузи»га бепул обуна этишга қарор қилди.

Футбол *Футбол*

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ, ЎЙИНЛАР ОЛДИНДА

Жаҳон биринчилиги саралаш мусобақаларининг иккинчи босқич бахсларини ҳам мухлислар ўз ўйингоҳларида томоша қиладиган бўлдилар.

ХАЛҚАРО футбол федерациясининг Цюрихдаги қароргоҳида 1998 йилда Францияда ўтадиган навбатдаги жаҳон биринчилиги саралаш мусобақаларининг Осиё қитъасида қатнашаётган жамоалари учун иккинчи босқич ўйинларига қуръа ташланди.

БИРИНЧИ гуруҳда Саудия Арабистони, Кувайт, Эрон, Қатар ҳамда Хитой жамоалари, иккинчи гуруҳда БАА, Қозоғистон, Ўзбекистон, Япония ҳамда Корея терма жамоалари куч синашадиган бўлди.

Маълумки, илгари иккинчи босқич ўйинларини бир мамлакатда ўтказиш режалаштирилганди. ФИФАнинг ташкилий қўмитаси футбол мухлисларининг талаб ва истакларини инобатга олиб, ҳар бир мамлакат жамоаси сафарда ва ўз майдонида ўйин ўтказиши тўғрисида қарор қилди. Шундай қилиб, ўзбекистонлик футбол муҳлислари иккинчи босқич бахсларини ҳам ўз ўйингоҳларида томоша қилиш имконига 'эга бўлишди.

Терма жамоамизнинг ўйинлари тартиби билан танишинг:

1. Япония — Ўзбекистон.
2. Ўзбекистон — Корея.
3. Қозоғистон — Ўзбекистон.
4. Ўзбекистон — БАА.
5. Ўзбекистон — Япония.
6. Корея — Ўзбекистон.
7. Ўзбекистон — Қозоғистон.
8. БАА — Ўзбекистон.

Учрашувлар муддати кейинчалик маълум бўлади.

Ҳар иккала гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган жамоалар Францияга йўлланма олишади. Иккинчи ўринни эгаллаган терма жамоалар ўзаро учрашадилар. Ғолиб томон учинчи йўлланма эгаси бўлади. Ютқазган жамоа Океания минтақаси ғолиби билан ўтиш ўйинини ўтказади.

Яна мухлисларга шуни ҳам маълум қилмоқчимизки, ФИФА кенгаши қарорига биноан Ўзбекистон — Яман жамоалари учрашуви ўтказиладиган бўлди. Учрашув муддати икки томон келишуви орқали аниқланади ва эълон қилинади.

Билиб қўйган яхши

ҚАНДАЙ БАРДАМ БЎЛИШ МУМКИН?

◆ Ухлаб туринг. Ишдан қайтгач кўп нарсага улгуриш керак, телевизорни ҳам кўриш керак. Ухлаш учун вақт ҳам қолади. Қилишдан гапириш осон. Бироқ бир кунда ками билан саккиз соат ухлашга ҳаракат қилинг. Уйқу вақтида барча аъзоларнинг функцияси тикланади. 18 ёшдан 50 ёшгача бўлганларнинг тахминан 50 фоизи сурункасига тўла ухламайди.

◆ Ўзингиз учун сокин соат белгиланг. Инсон уйқуни «маромига етказиб олиш»га қодир. Агар тунда кам ухлаган бўлсангиз тушликдан кейин мизғиб олинг.

◆ Кунига ками билан уч марта овқатланинг. Овқатлангандан кейин ҳар тўрт соат ўтгач қондаги шакар даражаси камаяди, шу билан бирга ишга қобилият ва эътибор ҳам сусаяди.

◆ Сут ичинг. Болаларга сутли бўтқа бекорга берилмайди, карбон сувлар — энергия манбаидир. Бироқ энергия танага уларнинг ўзларини ҳам ҳазм қилиш учун зарур. Овқатда 5—10% оқсилнинг бўлиши карбон сувларининг сусаётган самарасини «тенглаштириш» учун кифоя қилади.

◆ Тоза ҳавода кўпроқ сайр қилинг. Сайр вақтида қон айланиши яхшиланади ва бардамликни таркиб этувчи эндорфинлар ва амфетаминлар ажралиб чиқади. Бундан ташқари сизда уйқу яхшиланади.

ОБ-ҲАВО



ЧИЛЛА ЧИҚИШИГА ЎН КУН ҚОЛДИ

Ёзнинг энг ҳароратли кунлари тугашига ҳам бир ярим ҳафта қолди. 26-30 июль кунлари кам булутли бўлиб, кечалари ҳарорат 18-23, ушбу муҳлатнинг биринчи ярмида кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Кейинчалик эса ҳарорат бироз пасайиб, 33-38 даражани ташкил этади. Синоптикларнинг хабар қилишича, 17 июль куни 43,1, 18 июль куни эса 44,6 даража иссиқ бўлган. Ҳавонинг бундай иссиқ келиши кейинги ўн йил давомида кузатилмаган.

ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОТГАНЛАР

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 35-моддасига асосан банкдан олган кредитларини ўз вақтида қайтара олмаётган қуйидаги ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси акционерли-тижорат «Тадбиркор-банк» Зафар бўлими томонидан тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинади.

Ташкилот номи	Рўйҳатдан ўтган тумани, вақти ва рўйҳат рақами
1. «Алекс—ВВ» хусусий и/ч тижорат фирмаси	Чилонзор тумани, Тошкент шаҳри. 03.04.95 й. 342--8/6
2. «Леон—ЛЛ» хусусий и/ч тижорат фирмаси	Чилонзор тумани, Тошкент шаҳри. 03.04.95 й. 342-8/7
3. «Лола» хусусий корхонаси	Яккасарой тумани, Тошкент шаҳри, 24.06.94 й. 1027
4. «ДСЕ» масъулияти чекланган жамият	Мирзо Улуғбек тумани, Тошкент шаҳри. 23.07.92 й. 191/9
5. «Ягуар» хусусий кичик корхонаси	Собир Раҳимов тумани, Тошкент ша ҳри. 18.08.92 й. 944-Р
6. «Шуҳрат» кичик корхонаси	Бекобод тумани, Тошкент вилояти. 30.03.92 й. 26-Ф.

«Ўзтадбиркорбанк» акционер-тижорат банки Зафар бўлими.

Шифокор огоҳлантиради

БУ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ҳаётда шундай ҳодисалар бўладики, инсоният унга била туриб етарли эътибор билан қарамайди. Натижада бу бефарқлик туфайли олдини олиш мумкин бўлган касаллик оғир фожиаларга олиб келади. Кейинги пушаймон эса кеч бўлади.

Олти ёшли А. исмли болани касал бўлишидан 35 кун илгари бувисиникига меҳмонга борганда унинг ити чап қўлининг панжаси ва болдирини тишлаб олади. Бу тўғрида жабрланувчи тиббиёт ходимларига мурожаат этмайди. Бунинг ўрнига бувиси итнинг жунини куйдириб, тишланган жойларга босади ва шу билан «ҳеч нарса қилмайди» деб болани шифокорларга кўрсатмайди. Натижада бахтсиз ҳодиса рўй беради.

Шу ҳодиса рўй бермаслиги мумкинмиди? Ҳа, албатта.

Агарда ит тишлаши биланоқ шифокорларга мурожаат қилиб, қутуриш касаллигига қарши даволаш муоалажаларини олганда бола омон қоларди.

Қутуриш инсониятга жуда қадимдан маълум бўлиб, ўткир кечадиган касалликдир. У марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши билан жароҳатланади. Бунда қўзғалиш аломатлари ва кейинчалик фалажлик кузатилиб, охири ўлим билан тугайди. Бу касалликнинг қўзғатувчиси фильтрланувчи вирус бўлиб, уни фақат электрон микроскоп ёрдамидагина кўриш мумкин.

Қутуриш касаллиги билан асосан одамлар, барча сут эмизувчи ва иссиқ қонли ҳайвонлар оғрийди.

Табиатда қутуриш вирусларини асосий тарқатувчилари итлар ва итсимонлар оиласига кирувчи — бўри, тулки, чиябўрилар ҳисобланади. Лекин иссиқ қонли ҳайвонлар — сигир, от, қўй, эчки, чўчқа, мушуклар, кемирувчилар ҳам одамга касалликни юқтиришлари мумкин.

Одамга бу касаллик кўпинча қутурган ҳайвон қопганда, тишлаганда, шунингдек, унинг сўлаги янги ярага ва ҳатто терининг тирналган, кесилган ерларига ёки кўз, бурун шиллиқ пардаларига тушганда, тасодифан қутурган ҳайвоннинг терисини шилганда, мия ва сўлак билан қўл ифлосланганда, ҳатто сўлак теккан буюмларга суйкалганда ҳам юқиши мумкин.

Қутуришни даволаш учун ҳозирча самарали усуллар топилганича йўқ.

Хўш, одамни ҳайвонлар, айниқса, итлар тишлаганда қутуриш касаллигига дучор бўлмаслик учун нималар қилиш керак? Энг аввало ҳайвон тишлаган жойни совунлаб ювиб, йод эритмасини суртиш, кейин стерилланган тоза бинт (дока) билан боғлаб, дарҳол, вақтни бой бермай шифокорларга мурожаат этиш шарт. Шифокорлар томонидан ўз вақтида ўтказилган эмлаш ишлари одамни ўлимга дучор қиладиган қутуриш касаллигидан сақлаб қолишдаги бирдан-бир воситадир.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик кераки, эмлаш ўтказилаётган даврда ва ундан кейин 6 ой давомида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, тартибни бузиш, ундан бош тортиш ҳеч вақт яхшиликка олиб келмайди ва бундай муносабатлар қатъиян ман этилади.

Ҳайвонлар, итлар, мушуклар билан ортиқча алоқада бўлишдан сақланиш, айниқса, болаларни ҳайвонлар билан ўйнашига йўл қўймаслик касалликка қарши курашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу шуни кўрсатмоқдаки, қутуриш касаллигига қарши кураш фақатгина тиббиёт ходимларининг иши бўлибгина қолмай, умумхалқ ишидир. Аввало, ҳар бир ит эгаси итни уйида (ҳовлисида) боғлаган ҳолда боқиши керак. Уларни кўчаларга бебошбоқ қўйиб юбориш қатъиян ман этилади. Ўйнатиш учун уларни кўчаларга олиб чиқилганда, оғзига махсус бурундиқ тақиб калта чилвирда олиб юриш тавсия этилади.

Уйда боқиладиган барча итларни рўйхатдан ўтказиш, уларни вақти-вақти билан ветеринария врачлари кўригидан ўтказиб туриш, қутуриш касаллигига қарши эмлаш ва тегишли паспорт олиш шартдир. Агар ит хонадон аъзоларини ёки қўни-қўшниларни тишлаб олса, бу ҳақда дарҳол ветеринария врачларига мурожаат этиш тавсия қилинади.

Бундай ҳолларда одам ва ҳайвонларни тишлаган ит 10 кун мобайнида ветеринария шифокорлари назоратида бўлади ва улар томонидан итнинг соғлиғи тўғрисида ит эгасига 2 та маълумотнома берилади. Бу маълумотнома жабрланган одам ёки ит эгаси томонидан дарҳол даволовчи жарроҳга етказилиши шарт.

Бундан ташқари, 10 кунлик ветеринария назорати остида турган ит фавқулодда ўлса ёки қочиб кетса, йўқолса бундай ҳолларда ҳам дарҳол даволовчи шифокорга хабар қилиниши лозим. Умуман 10 кунлик назорат давомида итни уйдан ҳайдаб юбориш, уриб ўлдириш қатъиян ман этилади. Бу вақтда бошқаларни, айниқса, болаларни ит билан ўйнаши тақиқланади.

Вилоятимизда ҳар йили 6-7 минг киши ҳайвонлар, асосан, итларнинг тишлашидан жабр кўрмоқда. Уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, қутуришга қарши мажмуий чора-тадбирларни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан катта маблағлар сарфланмоқда.

Ўлимга олиб борадиган ана шундай оғир ва хавфли касалликка қарши кураш учун қўлимизда барча имкониятлар мавжуд. Уларни амалга оширишда ҳар бир киши, кенг жамоатчилик фаол иштирок этиши зарур!

Т. ЗУПАРОВ,
Тошкент вилояти санэпидстанцияси ўта хавфли касалликлар бўлими мудири.

Р. БАҲРОМОВ,
бўлим шифокори.

Чилонзор туманидаги «Афалина» фирмасининг муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «БЕҲЗОД» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида 97-99-48, 30-71-61 телефонлари орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «БОҒИ-ЖАҲОН» масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида 93-09-33 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти ҳокими ижроия маҳкамаси матбуот бошқармаси ва Ўртачирчиқ туман босмахонаси жамоалари Ўртачирчиқ туман босмахонаси директори Жўрабой Ашировга қайнонаси

Қумри ая
БОЗОРБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0436. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 9.601 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 16.30. 1 2 3 4 5 6